

Рамазоннинг 41 фазилати (ўнинчи мақола)



19:00 / 02.05.2020 2013

23. Ифторлик бериш фазилати. Бу ҳам Рамазонга хос амаллардан саналади.

Ибн Можа Зайд бин Холид розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир рўзадорга ифторлик берса, унга ўша рўзадорларнинг ажрича ажр бўлади, уларнинг ажрларидан бирор нарса камаймайди»**, дедилар.

Салмон Форсийдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир рўзадорга ифторлик берса, бу унинг учун бир қул озод қилиш ва гуноҳлари учун мағфират бўлади»**, дедилар. Шунда: **«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳаммамиз ҳам рўзадорга ифторлик қилиб берадиган нарса топа олмаймиз-ку?»**, дейилди. У зот: «Бу

савобни Аллоҳ рўзадорга бир татим сут ё хурмо ёки бир қултум сув билан ифторлик қилиб берган кишига ато этади. Аммо ким рўзадорни тўйдирса, бу унинг гуноҳлари учун мағфират бўлади ва Аллоҳ унга менинг Ҳавзимдан ичимлик ичиради, у то жаннатга киргунича чанқамайди. Унга рўзадорнинг ажрича ажр бўлади, у(рўзадор)нинг ажридан ҳеч нарсани камайтирилмайди», дедилар».

24. Ифторлик пайтидаги дуонинг фазилати. Ифторликдаги дуонинг ҳам алоҳида фазилати бор. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бисмиллаҳ** (Аллоҳнинг номи билан) Аллоҳим, Сенинг учун рўза тутдим. Сенга иймон келтирдим. Сенинг ризқинг билан ифторлик қилгум. Бас, менинг олдинги-ю кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин. Ўзинг мендан қабул қилгин. Албатта, Сен ўта эшитгувчи ва билгувчисан», деб дуо қилардилар.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид